

НАМАНГАН ВИЛОЯТИДАГИ ХЎЖА АМИН МАҚБАРАСИ

З.Р.Адилов (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)
И.М.Қосимов (Тошкент архитектура қурилиш университети)
Б.Дедеханов (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)
Г.Э.Раҳимова (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

Ушбу мақолада бугунги кундаги мавжуд тарихий обидаларни ҳолатини янгидан ўрганиш, уларни жойлашган ўринларини таҳлил қилиш, бино ва иншоотларни қайтадан техник рўйхатдан ўтказиш, тарихий маълумотлар асосида уларни мазмун-моҳиятини бойитиш бўйича маълумотлар баён қилинган. Шунингдек, мақолада Наманган вилоятидаги тарихий обидаларни замонавий қиёфага келтириш асосида халқаро туризмни ривожлантириш бўйича муҳим масалаларга ҳам эътибор қаратилган

Калит сўзлар: *маданий ёдгорликлар, маданий мерос объектлари, замонавий шаҳарсозлик, зиёратгоҳлар, масжидлар, гумбаз*

Кириш: Бугунги кунда дунёда тарихий меъморий ёдгорликларни сақлаш ва улардан фойдаланишга оид самарадор йўналиш бўйича “ЮНЕСКО ташаббуси билан 413 та қадимий шаҳарлар ҳудудидаги Бутунжаҳон моддий маданий мерос ёдгорликлари рўйхатига киритилган 1007 та объектлардан 779 таси меъморий ёдгорликлар”[1] эканлиги диққатга сазоводир. БМТ, ЮНЕСКО, ICOMOS каби нуфузли ташкилотлар томонидан маданий меросни сақлаш ва уларни келгуси авлодга етказишга доир “Бутун жаҳон маданий ва табиий меросини ҳимоя қилиш тўғрисидаги конвенция (1972); Тарихий шаҳарларни ҳимоя қилиш ҳақидаги халқаро хартия (Вашингтон хартиясини, 1987); Обидаларни, иншоотлар гуруҳини ва диққатга сазовор жойларни рўйхатга олишнинг асосий қонун-қоидалари (1996); Таҳлил қилиш, консервация ва меъморий меросларнинг тузилишини қайта тиклашнинг асосий қонун-қоидалари (2003); Маданий мерос ҳисобланган - тузилма, объект вайроналарининг атрофини сақлаб қолиш тўғрисидаги Сиан декларацияси (2005)”[2] каби халқаро ҳужжатларнинг мунтазам равишда қабул қилиниши бу соҳада нақадар муҳим аҳамият касб этади.

Дунёда сўнгги йилларда архитектура меросини ҳар томонлама ўрганиш ва сақлаш, уларнинг замонавий архитектура амалиётидаги алоҳида ўрни, туризм инфраструктурасини такомиллаштириш каби йўналишларда бир қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Шунингдек, ҳозирда тарихий ёдгорликларни сифатли таъмирлаш ва тиклаш, боғ-парк архитектурасини яратиш ва тарихий ёдгорликларнинг график реконструкциясини бажариш, қадимги шаҳарларнинг тарихий кўринишини сақлаш юзасидан илмий тадқиқотлар олиб бориш долзарб аҳамият касб этади.

Асосий қисм: “Ўзбек халқининг маданий мероси минг йиллар давомида яратилган. Унда турли даврларда Ўзбекистон ҳудудида эътиқод қилинган зардуштийлик, буддизм, ислом ва бошқа динлар яратган маънавий–ахлоқий кадриятлар мужассамлашган. Унда бутун дунёга машхур Имом Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Фаробий, Беруний, Ибн Сино, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбандий, Улуғбек, Алишер Навоий, Машраб каби буюк мутафаккирларнинг билим ва салоҳияти гавдаланган. Бу меросда Амир Темур ва Бобурларнинг давлатчилик ва сиёсий қурилиш тажрибалари, буюк меъморчилик ёдгорликлари, тасвирий санъат, мусиқа, амалий санъат асарлари, халқ урф-одатлари ва анъаналари уйғунлашган.

Ҳозирда мамлакатимизда моддий маданий мерос объектлари сони 7500 га яқин. Уларнинг барчаси давлат муҳофазасига олинган. Республикаимизнинг барча ҳудудларида маданий мерос ёдгорликлари жуда кўпчиликини ташкил этади.

Айни пайтда Наманган вилоятида ҳам туризм соҳасини ривожлантириш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Вилоятда 274 та маданий мерос объекти мавжуд бўлиб, шундан 98 таси архитектура ёдгорлиги, 152 таси археология ёдгорлиги, 8 таси монументал санъат асарлари, 16 таси диққатга сазовор жойлар, зиёратгоҳлардир.


Наманганда яқин келажакда туризм соҳасини такомиллаштириш борасида барча маданий мерос объектларини рўйхатдан ўтказиш, таъмирлаш ишларини олиб бориш билан биргаликда замонавий санитар-гигиеник шахобчалар барпо этиш, туристик объектларга олиб борувчи йўл кўрсаткич белгиларини ўрнатиш, барча қулайликларга эга меҳмонхоналар қуриш бўйича кенг қамровли ишларни амалга ошириш режалаштирилган.

Хўжамнинг мақбараси - Наманган шаҳрида сақланиб қолган ноёб ёдгорликлар қаторида Кўзагарлик кўчасидаги «Хожамнинг қабри» мақбарасидир. Ушбу мақбара ҳақида И.Е.Плетновнинг 1968 йилги «Ўзбекистон» нашриётида «Хўжа Амин қабри» номи билан чоп этилган рисоласи бор. Унда мақбарани «Хожа Амин қабри» деб нотўғри талқин қилинади ва мақбара қурилишига оид деярли ҳеч қандай маълумот берилмайди, асосан мақбарага таъриф бериш билан кифояланилади.

Сўнги вақтлардаги изланишлар натижасида мақбара, масжид ва мадраса тарихига доир баъзи маълумотлар топилди. Булар кекса кишилар билан сужбатлашганда ёзиб олинган оғзаки эсдаликлардан иборат бўлиб, ёзма манбалар етарли бўлмагани учун, Ушбу эсдаликларнинг ҳақиқатга яқин бўлганларидан бирини мисол келтирамиз. Айтишларича, деб сўз бошланади, адабиётшунос Аҳмад Убайдуллохнинг «Наманган ҳақиқати» рўзномасидаги 2006 йил 22 ноябрь сонисидаги «ноёб ёдгорлик» мақоласида. XVI асрнинг охирида

Шайхонтохур (аслида тўлиқ исми Шайх Хованди Тохур) авлодидан Иминхўжа Парранда деган киши Тошкентдан Наманганга келиб, ўрнашиб қолади. Бу ерда унга ихлос қилувчи кишилар кун сайин кўпайиб боради. Натижада тез кунда катта ер - сув, бехисоб бойликка эга бўлади. Иминхўжа парранданинг Холдорхўжа деган ўғли бўлиб, Холдорхўжадан икки ўғил қолади. Каттаси Ёқубхўжа қашқарга кетади, кичиги Иброхимхўжа эса Наманганда қолади. Иброхимхўжанинг қизи бўлиб, уни Мирхўжа Эшон деган кишига турмушга узатади. Иброхимхўжа вафотидан кейин ўғли бўлмаганлиги учун барча бойлиги куёви Мирхўжа эшонга қолади. Мирхўжа эшон мерос қолган бойликлар эвазига қайнотаси Иброхимхўжа хотираси учун тахминан XVII аср охири, XVIII аср бошларида Иброхимхўжа қабрини олди тарафига мақбара қурилишини бошлаб юборади. Қурилишга ўша даврдаги мохир меъморлар жалб қилиниб, мақбара жуда нозик дид билан қуриб битказилади.

Мақбара биносини безашда XIV аср бошида Ўрта Осиё меъморчилиқ бисотидан унутилиб кетган ўйма сопол (терракота)дан фойдаланилган. Бу санъат Ўрта Осиё меъморчилигида бир неча юз йиллар йўқолиб кетиб, ҳеч қутилмаганда Намангандаги Хўжамнинг қабри мақбарасини бунёд этишда ажойиб ўйма тарзида қайтадан дунёга келади.



Расм:

Бинонинг асосий чехраси, пештоқи, равоқсимон, аркли ва бурчаклари кичик минорали қилиб ишланган. Пештоқ энли ва энсиз белбоғлар билан безатилган. Белбоғларга ўсимликлар тасвири ҳамда штрихлар солинган. Энли белбоғлар сопол парчинлар билан безатилган бўлса, энсиз белбоғлар ганжигга икки қатламли ўйма нақш солиб ишланган. Энсиз белбоғлардаги ўйма нақшнинг замини илгари қизил, рангга бўялгани ҳамда тиниқ оқ нақшнинг фони бўлиб хазмат қилганини таъкидламоқ лозим. Эндиликда ҳар иккала қатламнинг ҳам ранги бир хил бўлиб кўринади ва тусига кўра, ўйма сопол парчасидан фарқ қилмайди.

Пештоқ қопламаси рангли сиркор кошнлар билан безатилган. Унинг атрофларидаги бир - бирига монанд ишланган оч яшил ва тўқ сариқ ғиштли фасад - чехранинг мураккаб, жимжимадор фониди яққол ажралиб туради.


Аркнинг учбурчак танчасига барги бештадан бўлган катта - катта гуллар нақшланган. Аркнинг таянчларига яшил тусли кошнлар билан қопланган устунчалар ўрнатилган. Учта ҳалқа кўринишда ўйиб ишланган тўқ сариқ тусли конуссимон тоқи - равоқ ўзига киши эътиборини жалб қилади. Бурчаклардаги гулдасталарнинг қўйи қисми тўқ сариқ ва яшил сиркор нақш билан қопланган.



Мақбаранинг ичкари қисми ажойиб меъморчилик санъати билан безатилган. Панелнинг юқорисидан харфлар билан ёзилган ва ўсимликлар тасвири солинган беама белбоғ ўтади.

Бу деворлар асосидаги тортилган чизиққа ўхшайди. Иккинчи ана шундай белбоғ деворнинг арк, гумбаз атрофига чирой бериб туради.

Шарқ меъморлари қадимдан биноларни беада араб ёзувларидан фойдаланишган. Жумладан, «Хўжамнинг қабри» мақбарасининг ташқари ва ичкари қисмлари ҳам араб ёзуви хати кўфий, хати райхоний, хати насталиқ турлари билан жимжимадор қилиб безатилган. Айниқса, меъмор ўз диққат - эътиборини мақбаранинг ички деворларига ҳамда ҳалқа каби айлантириб ёзилган оятларга берган. Мазкур ёзувлар орасида ёдгорликнинг қурилиш тарихига оид бўлган кўп жойлари тушиб кетган, бироқ бинони қурган устанинг номи сақланиб қолган.



Мақбарага кираверишдаги ўймакор эшик устига ва мақбара ичидаги гўрхонага чиқиш эшиги устида «Амалии уста Муҳаммад Иброҳим ибн Абдурахим», яъни Абдурахим ўғли уста Муҳаммад Иброҳим ишлади, деб ёзиб қўйилган. Уста Муҳаммад Иброҳим мақбаранинг шарқ томонидаги эшик устига

*Хат давр варақи дахр бинобад сад сол,
Бечора нависанда ки дар хок равад,*

Яъни, «Бу ёзилган хатлар олам саҳифасида юз йиллар қолади, бечора ёзувчи эса тупроқ бўлиб кетади», деган сўзларни ёзиб қолдирган.

Мақбаранинг ғарб томонидаги хўжалар, қабристони эшиги устига турли диний сўзлар ёзилган. Мақбарадаги мавжуд ёзувлар уста Муҳаммад Иброҳимнинг мохир хаттот эканлигини ҳам тасдиқлайди. Уста маҳаллий меъморчилик мактаби анъаналарининг ўз даври даражасидан бирмунча юқори турадиган нодир монументал, меъморчилигининг намунасини яратишга муваффақ бўлган.

Хулоса. Наманган шаҳри ўзининг бой тарихий меъморий обидаларига эга. Шулардан Хўжамнинг мақбараси замонавий функцияларга мослаштириш, уларни сақлаш масалалари ҳақида лойиҳавий таклиф бериш бугуннинг долзарб вазифаларидандир. Чунки, бу ёдгорлик Наманган тарихини, маданиятини, меъморий анъаналарини ўзида акс эттирган ноёб объектлардир.

Адабиётлар

1. Adilov, Z. (2021, June). ISSUES OF IMPROVING TOURIST OPPORTUNITIES IN NAMANGAN REGION. In *Конференция*.
2. Ravshanovich, A. Z. (2021). Issues Of Improving Tourism Opportunities In Namangan Region. *International Journal of Progressive Sciences and Technologies*, 26(2), 40-44.
3. Ravshanovich, A. Z. (2021). Namangan Historical Architectural Monuments. *Design Engineering*, 6940-6945.
4. Адилов, З. Р., & Рахмонбердиев, С. (2021). НАМАНГАН ВИЛОЯТИНИНГ ТУРИЗМ ИМКОНИЯТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ. *Вестник Науки и Творчества*, (11 (71)), 34-37.
5. Адилов, З. Р., & Болгабоев, Д. (2021). РЕСТАВРАЦИЯ И СОХРАНЕНИЕ СУЩЕСТВУЮЩИХ ИСТОРИЧЕСКО-АРХИТЕКТУРНЫХ ПАМЯТНИКОВ НАМАНГАНСКОЙ ОБЛАСТИ-ОСНОВА РАЗВИТИЯ

- МЕЖДУНАРОДНОГО ТУРИЗМА. *Вестник Науки и Творчества*, (11 (71)), 38-44.
6. Адиллов, З. Р. (2021). ЗАЩИТА КУЛЬТУРНОГО НАСЛЕДИЯ СОКРОВИЩА НАШЕГО НАРОДА-ОСНОВА НАШИХ НАЦИОНАЛЬНЫХ ЦЕННОСТЕЙ. In *НАУКА И ПРОСВЕЩЕНИЕ: АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ, ДОСТИЖЕНИЯ И ИННОВАЦИИ* (pp. 249-252).
 7. Адиллов, З. Р. (2022). ЁШЛАРГА МАДАНИЙ МЕРОС ҲАЗИНАСИНИ ТАРҒИБ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ. *ИЖТИМОЙ ФАНЛАРДА ИННОВАЦИЯ ОНЛАЙН ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ*, 2(4), 124-130.
 8. Adilov, Z. R. (2022). Peculiarities of Construction Drawings. *EUROPEAN JOURNAL OF INNOVATION IN NONFORMAL EDUCATION*, 2(4), 227-230.
 9. Адиллов, З. Р. (2022). НАМАНГАН ВИЛОЯТИ МАДАНИЙ МЕРОС ҲАЗИНАСИНИ АСРАШ МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗНИНГ АСОСИДИР. *ТА'ЛИМ ВА RIVOJLANISH TAHLILI ONLAYN ILMIY JURNALI*, 69-73.
 10. Адиллов, З. Р. (2022). URBAN PLANNING OF THE CITIES OF NAMANGAN REGION. *Science and Innovation*, 1(6), 259-264.
 11. Раззаков, С. Ж., Холбоев, З. Х., & Косимов, И. М. (2020). Определение динамических характеристик модели зданий, возведенных из малопрочных материалов.
 12. Mahmudov, O. Z. O., & Kasimov, I. M. (2021). THE STUDY OF THE GEOECOLOGICAL PROBLEMS OF A BIG CITY. *Academic research in educational sciences*, 2(4), 271-275.
 13. Ozodovich, H. A., & Maribovich, Q. I. (2022). Improving the Design of Youth Innovative-Creative and Development Scientific Centers. *Eurasian Scientific Herald*, 7, 72-76.
 14. Арифжанов, А. М., Фатхуллаев, А. М., Самиев, Л. Н., & Косимов, И. (2015). Установившееся неравномерное движение взвесенесущего потока в верхнем бьефе гидроузла. *Актуальные проблемы гуманитарных и естественных наук*, (5-2), 204-207.
 15. Dedakhanov, B., & Kasimov, I. (2022). ANCIENT ARCHITECTURE OF THE FERGHANA VALLEY FEATURES OF FORMATION AND DEVELOPMENT (ON THE EXAMPLE OF CIVIL ARCHITECTURE AND URBAN PLANNING). *Science and innovation*, 1(C6), 278-284.
 16. Zokirjon o'g'li, M. O., & Kasimov, I. M. (2021). MODELING OF BUILDINGS. *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, 2(05), 772-781.

17. Ахмедов, Р. М., Дадаханов, Б., & Ахмедов, Ф. Р. (2016). Методы прогнозирования объемов финансирования ремонта и строительства автомобильных дорог. *Инновационная наука*, (6-1), 38-40.
18. Дадаханов, Б. (2017). Особенности конструктивно-технологических решений гражданских конструкций энергоэффективных зданий. *Символ науки*, (12), 22-25.
19. Дадаханов, Б. (2017). Особенности физико-механических свойств теплоизоляционных материалов для крыш. *Символ науки*, 2(3), 53-55.
20. Дадаханов, Б., & Ахмедов, Ф. Р. Доц. каф.«Производство строител. материалов, изделий и конструкций» Наманганский инженерно-педагогический институт. *Свидетельство о регистрации СМИ–ПИ № ФС77-61597*, 38.
21. Kahharov, A. A., & qizi Rahimova, G. E. (2021). Intensive Methods of Developing Students' Graphic Competencies in the Training of Competitive Personnel. *European Journal of Life Safety and Stability (2660-9630)*, 7, 38-44.
22. Sharifjanovna, Q. M. (2022). METHODS OF USING FINE ARTS IN THE PROCESS OF DEVELOPING THE PROFESSIONAL COMPETENCIES OF FUTURE ARCHITECTS. *INTERNATIONAL JOURNAL OF RESEARCH IN COMMERCE, IT, ENGINEERING AND SOCIAL SCIENCES ISSN: 2349-7793 Impact Factor: 6.876*, 16(5), 49-51.
23. қизи Рахимова, Г. Э., Холмирзаев, А., & Турсунбоева, М. (2022, May). РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ ТЕКУЩИХ ПРОГРАММ ПРОДВИЖЕНИЯ (PIRLS, PISA, TIMSS, TALIS) РЕФОРМЫ ДОШКОЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ. In *International Conference on Research Identity, Value and Ethics* (pp. 242-244).
24. Buzrukov, Z., Yakubjanov, I., & Umataliev, M. (2021). Features of the joint work of structures and pile foundations on loess foundations. In *E3S Web of Conferences* (Vol. 264, p. 02048). EDP Sciences.
25. Хамидов, О. У. У., Якубджаиов, И. И., & Хайдаров, А. А. (2018). УЧРЕЖДЕНИЯ ОБЩЕСТВЕННОГО ПИТАНИЯ: ФУНКЦИОНАЛЬНАЯ СТРУКТУРА И РАСПОЛОЖЕНИЕ. *Science Time*, (6 (54)), 11-14.
26. Khasanov, A. (2020). Organizing Eco Tourism Along With Uzbek National Automagistrale Way. *Solid State Technology*, 63(6), 12674-12678.
27. Khasanov, A. (2016). About several infrastructure constructions of the Great Silk Road. *Int'l J Innov Sci Eng Technol*, 3(6), 295-299.
28. TACI, A. K. About Several Infrastructure Constructions Of The Great Silk Road.
29. Ozodovich, X. A., & Azim o'g'li, N. A. (2021). Formation of the “Obod Mahalla” System in the Villages of Uzbekistan and Serving the Population. *BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIIY JURNALI*, 1(5), 325-329.

30. Inogamov, B. I., & Khasanov, A. O. (2021). Taking Into Account Socio-Functional Factors in the Design of Housing. *Design Engineering*, 2587-2589.
31. Adilovna, Q. S., & Ozodovich, X. A. (2021). REQUIREMENTS FOR THE PREPARATION OF INTERIORS IN SECONDARY SCHOOLS. *Emergent: Journal of Educational Discoveries and Lifelong Learning (EJEDL)*, 2(11), 74-77.
32. Ozadovich, K. A., & Ismailovich, I. B. (2021). Issues of Organization of Service Sets on the Uzbek National Highway A-380. *Design Engineering*, 2582-2586.
33. Ozodovich, X. A., Iqramovich, A. R., & Shaxnazarovich, R. L. (2021). Location of auxiliary rooms inside the living rooms in Bukhara traditional residential areas.
34. Khasanov, A. O., & Allayarov, K. O. (2021). Residential Yurts Of The Ancient Nomads Of Central Asia And The Use Of Yurts In Tourism. *The American Journal of Engineering and Technology*, 3(01), 58-64.
35. Khasanov, A. CONTEMPORARY DESTINATIONS SERVICE AND CREATING A SYSTEM OF HISTORICAL CARAVAN ROUTES.
36. Hakimov, S., & Dadaxanov, F. (2022). STATE OF HEAT CONDUCTIVITY OF WALLS OF RESIDENTIAL BUILDINGS. *Science and innovation*, 1(C7), 223-226.
37. Yuldashev, S., & Hakimov, S. (2022). ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН ТЕБРАНИШЛАР ҲАҚИДА. *Science and innovation*, 1(A5), 376-379.
38. Абдуназаров, А., Хакимов, С., Умаров, И., Мухторалиева, М., Дедаханов, Ф., & Шаропов, Б. (2022). МЕРОПРИЯТИЯ ПО ПОВЫШЕНИЮ ЭНЕРГОЭФФЕКТИВНОСТИ СОВРЕМЕННЫХ И РЕКОНСТРУИРУЕМЫХ ЗДАНИЙ. *Journal of new century innovations*, 18(1), 130-134.
39. Hakimov, S., Sharopov, B., Umarov, I., Muxtoraliyeva, M., Dadaxanov, F., & Abdunazarov, A. (2022). URILISH MATERIALLARI SANOATIDA INNOVATION MATERIALLAR ISHLAB CHIQRISHNING ISTIQBOLLI TOMONLARI. *Journal of new century innovations*, 18(1), 149-156.
40. Sharopov, B., Hakimov, S., Umarov, I., Muxtoraliyeva, M., Dadaxanov, F., & Abdunazarov, A. (2022). QUYOSH ENERGIYASIDAN FOYDALANIB TURAR JOY BINOLARI QURISHNING ISTIQBOLI TOMONLARI. *Journal of new century innovations*, 18(1), 135-141.
41. Sodiqjon, K., Begyor, S., Aleksandr, K., Farrukh, D., Mukhtasar, M., & Akbarjon, A. (2022). PROSPECTIVE ASPECTS OF USING SOLAR ENERGY. *Journal of new century innovations*, 18(1), 142-148.
42. Kazadayev, A., Sharopov, B., Hakimov, S., Umarov, I., Muxtoraliyeva, M., Dadaxanov, F., & Abdunazarov, A. (2022). MAMLAKATIMIZDA NEMIS TA'LIM TIZIMINI JORIY QILISHNING SAMARADORLIGI TAHLILI. *Journal of new century innovations*, 18(1), 124-129.

43. Mukhtasar, M., Begyor, S., Aleksandr, K., Farrukh, D., Isroil, U., Sodiqjon, K., & Akbarjon, A. (2022). ANALYSIS OF THE EFFECTIVENESS OF THE DEVELOPMENT OF THE GERMAN EDUCATION SYSTEM IN OUR COUNTRY. *Journal of new century innovations*, 18(1), 168-173.
44. Dadakhanov, F., Sharopov, B., Umarov, I., Mukhtoraliyeva, M., Hakimov, S., Abdunazarov, A., & Kazadayev, A. (2022). PROSPECTS OF INNOVATIVE MATERIALS PRODUCTION IN THE BUILDING MATERIALS INDUSTRY. *Journal of new century innovations*, 18(1), 162-167.
45. Khamidov, A., Akhmedov, I., Shavkat, Y., Jalalov, Z., Umarov, I., Hakimov, S., & Aleksandr, K. (2022). APPLICATION OF HEAT-INSULATING COMPOSITE GYPSUM FOR ENERGY-EFFICIENT CONSTRUCTION. *Spectrum Journal of Innovation, Reforms and Development*, 10, 77-84.
46. Khamidov, A., Akhmedov, I., Shavkat, Y., Jalalov, Z., Umarov, I., Hakimov, S., & Abdunazarov, A. (2022). INVESTIGATION OF THE PROPERTIES OF CONCRETE BASED ON NON-FIRING ALKALINE BINDERS. *Spectrum Journal of Innovation, Reforms and Development*, 10, 92-100.
47. Хакимов, С. (2022). АКТИВ ВА ПАССИВ СЕЙСМИК УСУЛЛАРИ ҲАМДА УЛАРНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ. *Journal of Integrated Education and Research*, 1(2), 30-36.
48. Yuvmitov, A., & Hakimov, S. R. (2021). Influence of seismic isolation on the stress-strain state of buildings. *Acta of Turin Polytechnic University in Tashkent*, 11(1), 71-79.
49. Шаропов, Б. Х., Хакимов, С. Р., & Рахимова, С. (2021). Оптимизация режимов гелиотеплохимической обработки золоцементных композиций. *Матрица научного познания*, (12-1), 115-123.
50. Ювмитов, А. С., & Хакимов, С. Р. (2020). ИССЛЕДОВАНИЕ ВЛИЯНИЯ СЕЙСМОИЗОЛЯЦИИ НА ДИНАМИЧЕСКИЕ ХАРАКТЕРИСТИКИ ЗДАНИЯ. *Acta of Turin Polytechnic University in Tashkent*, 10(2), 14.
51. Хакимов, С., Шаропов, Б., & Абдуназаров, А. (2022). БИНО ВА ИНШОТЛАРНИНГ СЕЙСМИК МУСТАҲКАМЛИГИ БЎЙИЧА ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР (РОССИЯ, ЯПОНИЯ, ХИТОЙ, АҚШ) МЕЪЁРИЙ ХУЖЖАТЛАРИ ТАҲЛИЛИ. *BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI*, 806-809.